

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
 ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
 СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

476 Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битим доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид Битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2097-1

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 апрелдаги 106-сон «Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) шартлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 16-сон, 217-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2010 йил 5 апрелдаги 01-02/12-32, ЭГ-01/10-240, 92, 06-282-сон қарори (рўйхат рақами 2097, 2010 йил 19 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 16-сон, 126-модда) билан тасдиқланган Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунинг-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

35 (587)-сон

— 53 —

476-модда

дек Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битим доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид Битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2013 йил 12 август,
01-02/12-7-сон

З. ДУСАНОВ

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Тошкент ш.,
2013 йил 12 август,
12-сон

Э. ҒАНИЕВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2013 йил 12 август,
33-сон

Г. САИДОВА

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори**

Тошкент ш.,
2013 йил 12 август,
П-2-сон

А. КУРБАНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий
алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги,
Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон стан-
дартлаштириш, метрология ва сертификат-
лаштириш агентлигининг 2013 йил
12 августдаги 01-02/12-7, 12, 33,
П-2-сон қарорига
ИЛОВА

**Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари,
шунингдек Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш
ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битим доирасида ва Ўзбекистон
Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси
худудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот
тақсимотида оид Битим доирасида Ўзбекистон Республикаси
божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг
божхона расмийлаштируви қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2. Оператор томонидан тузилган товарларни етказиб бериш (олиб кириш) шартномалари (контрактлари) белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкида ҳисобга қўйилиши лозим.

Товарларни етказиб бериш (олиб кириш) шартномалари (контрактлари) экспорт мамлакатники каби импорт мамлакатнинг ҳам ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича кодига шартли ҳаволага эга бўлиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича якуний код келиб тушган товарни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш пайтида аниқланиши лозим.

Бунда, агар ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича товарларнинг коди дастлабки олтита белги даражасида ўзгармаса шартномаларга ўзгартириш киритилмаган ҳолда божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

Инвестор билан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан тузилган товарларни етказиб бериш (олиб кириш) шартномалари (контрактлари) Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкида ва божхона органларида ҳисобга қўйилмайди.».

2. 4-бандда:

а) «в» кичик банддаги «Оператор,» сўзидан кейин «норезидент —» сўзи қўшилсин;

б) қўйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) резидент — пудратчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси бож-

хона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқ пудратчига берилган унинг КТУТ кодига асосан юритилади.»;

3. 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Экспертиза ўтказиш ва экспорт қилинаётган табиий газ, қайта ишлаш маҳсулотлари ва бошқа углеводород маҳсулотлари учун маҳсулот келиб чиқиш давлат сертификатининг берилиши Товарларнинг келиб чиқини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2131, 2010 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 33-сон, 279-модда) Маркетинг компанияси ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси аризасига мувофиқ амалга оширилади.».

4. 10-банднинг «г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. 11-бандда:

«ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Эркин муомалага чиқариш (импорт)» режимига мувофиқ божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган товарларга нисбатан шартли чиқариш мувофиқлик сертификати мавжуд бўлмаган ҳолларда қўлланилиши мумкин.».

6. 14-банддаги «2004 йил 17 августдаги 399-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш шартлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 372-модда) қарори ва «Вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги низом» (2004 йил 14 октябрь, рўйхат рақами 1418) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 444-модда)» сўзлари «2013 йил 13 апрелдаги 106-сон «Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) шартлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 16-сон, 217-модда)» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 17-банддаги «2004 йил 17 августдаги 399-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш шартлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 372-модда) қарори ва «Вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисида»ги низомга (2004 йил 14 октябрь, рўйхат рақами 1418) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 444-модда)» сўзлари «2013 йил 13 апрелдаги 106-сон «Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) шартлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 16-сон, 217-модда)» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. 24-банддан «худудий божхона бошқармаси бошлиғининг рухсати билан» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. 25-банднинг «з» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. 31-банднинг «г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. 40-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бундай намуна ва нусхаларни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига зиён етказилиши ва бошқа мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймайдиган микдорда олиб чиқиш БЮД тақдим қилмаган ҳолда товарга илова қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.»

12. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Оператор билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2013 йил 8 август

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2013 йил 8 август

*«ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг
Компани» МЧЖ бош директори*

С. ГУРЖИЙ

2013 йил 8 август